

ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич

*Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси хузуридаги Фискал институти
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти (PhD)*

Аннотация. Мазкур мақолада, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурининг бюджет харажатлари самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш вазифасидан келиб чиқиб, “Давлат молиявий назорат”¹ тушунчаси илмий тадқиқ этилган ҳамда мамлакатимизда сўнги йилларда молиявий назорат органлари фаолиятида халқаро тан олинган стандартлар асосида назоратни амалга оширишнинг замонавий усуллари тизимга тадбиқи ўрганилган. Мамлакатимизда молиявий назоратни таъминлашда Ҳисоб палатасининг вазифаси, мажбурияти, ваколатларининг ҳуқуқий меъёрлари ҳамда қисқа давр ичида эришилган ютуқлари баён этилган. Шу билан бир қаторда, муаллиф томонидан Ҳисоб палатасини янада самарали фаолият юритишдаги долзарб бир қатор муаммолар ва ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган. Муаллиф томонидан давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларини тадбиқ этиш натижасида ижобий натижаларга эришиши илмий асосланган.

Калит сўзлар. Молиявий назорат, Ҳисоб палатаси, ички аудит, давлат бюджети, самарадорлик

Abstract. In this article, based on the task of further increasing the efficiency of spending budget funds of the state program for the implementation of the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026 and improving the activities of state financial control bodies, the concept of "State Financial Control" was developed scientifically and in recent years, the activities of financial control bodies in our country have studied the application of modern control methods to a system based on internationally recognized standards. The legal norms of the tasks, duties, powers and achievements of the Accounts Chamber achieved in a short period of time are described in the regulation on financial control in our country. In addition, the author presents a number of urgent problems in the more effective work of the Accounts Chamber and proposes to eliminate these problems. It is scientifically justified that the author achieves positive results as a result of the implementation of his proposals for improving the system of state financial control and internal audit

Keywords. Financial control, Accounts Chamber, internal audit, state budget, efficiency

Кириш. Янги Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг

¹ Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

натижаси кўп жиҳатдан давлат молиясининг тўғри шакллантирилиши ҳамда ундан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Шунга кўра, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 15-бандида “Давлат бюджети харажатлари самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш” вазифаси белгилаб берилди. Мазкур вазифани амалга ошириш механизмлари сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилди:²

- 1) давлат молиявий назорати органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш;
- 2) бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикаси ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;
- 3) бюджет ташкилотларидаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланишини таъминлашга қаратилган ахборот тизимларини такомиллаштириш;
- 4) Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш объектларида бажарилаётган иш ҳажмлари ҳамда белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш тизимини жорий этиш;
- 5) ички аудит хизмати ходимларини малакасини ошириш ва сертификатлаш тизимини яратиш;
- 6) давлат харидлари соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини-олиш чораларини кўриш;
- 7) давлат томонидан субсидия ажратишни мувофиқлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириб бориш бўйича ягона давлат органини белгилаш;
- 8) аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг ягона электрон платформаси орқали амалга ошириш тизимини жорий этиш;
- 9) ажратилган субсидия ва улардан эришилган натижалар тўғрисидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш тартибини белгилаш.

Юқоридаги вазифа ва уни амалга ошириш механизмлари, шунингдек, кейинги йилларда мазкур соҳа фаолиятига оид қабул қилинаётган Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорларидан кўринадик, мамлакатимизда давлат молиявий назоратини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Материал ва метод. Давлат молиявий назоратининг иқтисодий мазмунини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мазкур тушунчанинг ўзи жуда кенг ва серқирра жараёнларни қамраб олади. Буни турли муаллифлар томонидан ушбу тушунча мазмунига ёндашувларнинг турлилиги орқали ҳам кўриш мумкин (1-жадвал).³

² Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

³ Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

“Давлат молиявий назорати” тушунчаси мазмунига турлича ёндашувлар⁴

Ёндашувлар	Ёндашув муаллифлари ва манбаси
Назорат объектларини кенгайтирилган ва аниқлаштирилган ҳолда ифодалашга асосланган ёндашув	Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. – М.: Финансы, ЮНИТИ, 2003. Крикунов А.В. Сущность, организация и перспективы государственного финансового контроля в РФ. – СПб.: Изд. СПб государственного университета экономики и финансов, 2001. Ялбулганов А.А. Финансовый контроль как институт финансового права. – М.: Юрист, 1999.
Давлат бошқаруви функцияси сифатидаги ёндашув	Бахран Д.Н. Административное право России. – М., 2001. – С. 166. Васильева М.В. Государственный финансовый контроль в управлении регионом. – Волгоград, 2003. – 182 с.
Кузатувлар ва текширувлар тизими сифатида ёндашув	Белуха Н.Т. Контроль и ревизия в отраслях народного хозяйства: учебник. – М.: Финансы и статистика, 2002. Бланкенегель А. Теория и практика конституционного контроля в ФРГ // Советское государство и право. – 1989. – №1. – С. 102. Шохин С.О., Воронина Л.И. Бюджетно-финансовый контроль и аудит. Теория и практика применения в России. – М.: Финансы и статистика, 1997. Финансовое право: учеб. / под ред. Н. И. Химичевой. – М.: Юрист, 2004.
Тегишли меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти сифатида ёндашув	Бурцев В.В. Организация системы государственного финансового контроля в РФ: теория и практика. – М.: Дашков и К, 2002.
Молиявий ҳуқуқнинг кичик тармоғи сифатида ёндашув	Грачева Е.Ю. Проблемы правового регулирования государственного финансового контроля. – М.: Юриспруденция, 2000.
Иқтисодий субъектлар эҳтиёжларининг молиявий сиёсатга мувофиқлиги индикатори сифатида ёндашув	Козенко Ю.А., Федотова Г.В. Роль финансового контроля в повышении эффективности управления бюджетами: монография. – Элиста: Изд-во «КИСЭПИ», 2006. – С. 57.

Мазкур ёндашувларнинг хилма-хиллиги унинг мазмунида бир-бирини инкор этувчи ёки зид келувчи жиҳатларнинг мавжудлигини англатмайди. Балки, юқорида таъкидланганидек, ундаги серқирра жараёнларнинг муайян жиҳатига ҳар бир муаллиф томонидан шахсий тарзда устуворлик бериш натижаси ҳисобланади.⁵

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига давлат молиявий назорати ва уни амалга оширишга қўйидагича таъриф берилган: “Давлат молиявий назорати – бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга

⁴ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

⁵ Курбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

ошириш мақсадида молиявий назорат объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаш”. Ушбу таъриф 2019 йилда умумхалқ муҳокамасига қўйилган “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасидаги таърифдан шаклан бироз фарқ қилсада, мазмун жиҳатдан деярли мос келади: “Давлат молиявий назорати – бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини аниқлаш мақсадида молиявий назорат объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда таққослаш”. Давлат молиявий назорати аҳамиятининг юқори даражаси бугунги кунда ушбу қонун лойиҳаси Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби халқаро ташкилотларнинг техник кўмаги ва экспертларнинг хулоса ва тавсиялари асосида қайтадан ишлаб чиқилмоқда.

Давлат бюджети маблағларининг тўғри шакллантирилиши, тақсимланиши ва сарфланиши жуда катта аҳамият касб этади. Шунга кўра, дунёнинг етакчи мамлакатларида давлат молиявий назорати пухта йўлга қўйилган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида Давлат молиявий назорати тизимида ҳам ижобий ўзгаришларга эришилди.

Хусусан, Давлат Раҳбарининг 2021 йил 27 августдаги ПФ-6300-сон Фармони билан республика бўйича барча давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит хизматларининг ягона сиёсатини юритиш йўлга қўйилди, бюджет жараёнининг барча босқичларида қонунчиликка риоя этилиши устидан вертикал назорат ўрнатилди, масофавий тарзда ва халқаро тан олинган стандартлар асосида назоратни амалга оширишнинг замонавий усуллари тизимга татбиқ этилди.

Умумий ҳолда, Ўзбекистон Республикасида амалдаги давлат молиявий назорати ва ички аудити тизими (ходимлар штатлари сони 1063 нафар) ўз ичига қуйидаги асосий тузилмаларни олади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида амалдаги давлат молиявий назорати ва ички аудити тизими⁶

Тузилма номи	Бевосита бўйсунди	Бевосита ҳисоб беради	Юридик мақомга эгалик	Фаолиятининг молиялаштирилиши
Ҳисоб палатаси	Ўзбекистон Республикаси Президентига	Президент ва Олий Мажлис палаталарига	Эга	Республика бюджетидан
Молия вазирлиги ізурида Давлат молиявий назорати инспекцияси	Молия вазирига	Молия вазирига	Эга эмас	Республика ва ҳудудий бюджетлардан

⁶ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Ички аудит хизматлари	Вазирлик, идора раҳбарига	Вазирлик, идора раҳбарига	Эга эмас	Республика ва ҳудудий бюджетлардан
-----------------------	---------------------------	---------------------------	----------	------------------------------------

Мамлакатимизда Ҳисоб палатасининг асосий фаолияти, вазифа, мажбурият ва ваколатларининг ҳуқуқий меъёрлари “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонуни (2019 йил 1 июлдаги ЎРҚ-546-сон) билан тартибга солинади. Ушбу қонунга кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси давлат ташқи аудити ва молиявий назоратининг олий органидир”.⁷

Натижалар. Ўзининг ўтган у қадар узоқ бўлмаган муддатли фаолиятида Ҳисоб палатаси томонидан жуда катта ижобий ишлар амалга оширилди. Шу билан бир қаторда, мазкур тузилманинг янада самарали фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатқувчи бир қатор муаммолар кўзга ташланди.

Биринчидан, Ҳисоб палатаси томонидан давлат бюджети харажатларини назорат қилиш қамрови пастлиги намоён бўлди. Жумладан, маълумотларга кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич атиги 5-6 фоиз даражасида бўлган.

Иккинчидан, Ҳисоб палатаси таркибидаги ходимлар штат сони кам, палатанинг ҳудудий бўлинмалар йўқ, назорат тадбирларида асосан бошқа ташкилотлардан ходимлар жалб қилинади, айрим текширишлар танлов усулида, тор доирада олиб борилади. Бу эса Ҳисоб палатасига ўзининг асосий фаолият ва вазифаларини тўлақонли ва самарали ташкил этиш имконини бермай, фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатар эди.

Учинчидан, бошқа қатор назорат қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик тизимининг мажуд эмаслиги фаолиятни амалга ошириш тезкорлиги ҳамда жараёнларнинг изчиллигини пасайтирар эди.

Тўртинчидан, Ҳисоб палатасининг Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (INTOSAI) ва Осиё Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ASOSAI) каби халқаро ташкилотларига аъзо эмаслиги унинг ўз фаолиятида халқаро тажрибаларни қўллаш, жумладан, халқаро тан олинган аудит стандартлари асосида мамлакатимизда янги молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва назорат тадбирларини ушбу стандартларга мувофиқ ўтказиш тадбирларини чеклаб қўйган эди.

Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси 2021 йил 23 ноябрь куни Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (INTOSAI)нинг таркибига, 2022 йил 31 майда Осиё Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ASOSAI) Бошқарув кенгашининг 58-учрашувида ушбу ташкилот таркибига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.⁸

⁷ Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

⁸ Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

Мамлакатимизда давлат молиявий назорати самарадорлигини оширишда Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятида мавжуд бўлган қатор муаммоларни бартараф этиш муҳим ҳисобланади. Жумладан:

- мазкур инспекциянинг Молия вазирлиги таркибида фаолият юритиши молиявий назоратни амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради;

- инспекция фаолиятида риск-таҳлил, камерал назорат ва талон-тарожликни олдини олиш тизими самарали йўлга қўйилмаган, ташқи манба маълумотларидан фойдаланиш имконияти чекланган;

- инспекциянинг ҳудудлардаги фаолиятига маҳаллий ҳокимликлар таъсири кучли, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ходимларни мунтазам жалб қилиниши (бундай ҳолат текширишларнинг 87 фоизини ташкил этади) натижасида департамент зиммасига юклатилган вазифаларини тўлақонли бажармаслик, бюджет маблағларининг талон-тарож қилиниши ҳолатларига сабаб бўлмоқда;

- инспекциянинг давлат харидларида товар (хизмат)лар нархлари тўғрилигига хулоса бериш, қурилиш ишларини қайта назоратдан ўтказиш каби ваколатларининг йўқлиги фаолиятни тўлиқ амалга ошириш имконини чеклаб қўймоқда.

Давлат молиявий назорати фаолиятини такомиллаштиришда ички аудит тизими муҳим ўрин тутди. “Ички аудитга бўлган эҳтиёж йирик корхоналарда раҳбарият қўйи бошқарув тузилмасининг кундалик ва умуман корхона фаолиятини назорат қилиш билан шуғулланмаганлигида намоён бўлади. Бинобарин, “Йирик корхоналарда раҳбариятнинг юқори бўғини корхонани кундалик фаолиятини назорати билан шуғулланмайди, бунинг оқибатида энг қўйи бўғиндаги ёки қўйи бўғин менежерларининг ҳисоботларини ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун йиғиладиган унинг фаолияти ҳақидаги ахборотга эҳтиёж сезилади”. Ички аудит ушбу фаолият ҳақида ахборот беради ва менежерлар ахборотининг тўғрилигини тасдиқлайди. Ички аудит асосан ресурслар йўқотилишининг олдини олиш ва корхона ичида керакли ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур”.

Мамлакатимиздаги ички аудит фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдаги қўйидаги қатор муаммоларни бартараф этиш муҳим ҳисобланади:

1) ички аудитнинг асосий мақсади хато ва камчиликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, тизимли муаммоларини бартараф этиш бўлсада, бироқ, аксарият ҳолларда амалда улар тизимсиз, самарасиз текшириш билан шуғулланиб қолмоқда;

2) ички аудит ходимлари сони ўз соҳасидаги объектлар сонига номуносив бўлиб, айрим ҳолатларда самарали аудитни таъминлаш учун ходимлар малакаси етишмаслиги, фаолият натижалари устидан назорат ўртнатилмаслиги кўзга ташланади;

3) ички аудит натижасида аниқланаётган қонунбузарликларни тизимли равишда бартараф этиш таъминланмаган;

4) аудит жараёнида риск-таҳлил, масофавий назорат ва талон-тарожликни олдини олиш тизими самарали йўлга қўйилмаган, ташқи манба маълумотларидан фойдаланиш имконияти чекланган;

5) қонунчиликда ички аудит тизимини молиявий назорат йўналишида статуси белгиланмаган.

Натижада, ички аудит хизматларининг хулосалари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан Давлат молиявий назорати инспекциясига қайта тафтиш белгилаш учун қайтарилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори муҳим меъёрий-ҳуқуқий асос бўлди.

Муҳокама. Давлат молиявий назорати таркибига кирувчи тузилмаларнинг юқорида қайд этиб ўтилган муаммолари билан бир қаторда қуйидаги умумий тавсифдаги тизимли муаммоларга ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- давлат молиявий назорати тизимида ягона сиёсатни юритиш, тизимдаги ташкилотлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш учун масъул ташкилот белгиланмаган;

- ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, аудиторлик даражасини сертификатлаш тизими яратилмаган;

- “Давлат аудити ва молиявий назорат тўғрисида” қонун қабул қилинмаган, ички ва ташқи аудитни амалга ошириш бўйича стандартлар мавжуд эмас;

- Вазирликлар, идоралар ва банк муассасаларининг маълумотлар базаларидан фойдаланиш имконияти яратилмаган. Камерал назорат, риск-тахлил асосида самарали назорат тизими мавжуд эмас;

- назорат тадбирларидан аниқланган ҳолатларни ҳисобини юритишнинг ягона маълумотлар базаси яратилмаган;

- аниқланган қонунбузарликларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, жамоатчилик билан ишлаш самарали йўлга қўйилмаган;


- назорат объектини белгилашда турли молиявий назорат органларини иш режалари ўзаро мувофиқлаштирилмайди. Натижада бюджет ташкилотлари узоқ вақт давомида назоратдан ўтказилмаслиги ва талон-тарожликлар кўпайиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Масалан, таҳлилларга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 216 та, Сурхондарё вилоятида 707 та ташкилот беш йилдан ортиқ муддатда якуний назоратдан ўтказилмаган;

- штатлар сонини назорат объектларининг сонига, ажратилган бюджет маблағлари миқдорига нисбатан мутаносиб тарзда белгилаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Масалан, инспекциянинг 1 ходимига Сирдарё вилоятида 106 та объект тўғри келса, Андижон вилоятида 50 та тўғри келади;

- назорат тадбирлари қонунбузилишлар содир этиб бўлганидан кейин аниқлашга қаратилган, уларни сабабларини аниқлаб, олдини олиш ва самарадорлик аудити каби профилактик тадбирлар эътибордан четда қолмоқда.

Юқоридаги баён этилган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида давлат молиявий назорати ва ички аудити тизимини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифларни илгари суриш мумкин. Энг аввало, Давлат молиявий назорати тизимини мувофиқлаштириш Кенгашини тузиш, унинг асосий фаолият тамойилларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Давлат молиявий назорати тизимини мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий фаолият тамойиллари⁹.

Шунингдек, давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини бўйсунуви ва ҳисобдорлиги, асосий вазифа ва функциялари жиҳатидан такомиллаштириш йўналишларини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (3-жадвал).¹⁰

3-жадвал

Давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини бўйсунуви ва ҳисобдорлиги, асосий вазифа ва функциялари жиҳатидан такомиллаштириш йўналишлари¹¹

Тузилма номи	Бўйсунуви ва ҳисобдорлиги	Фаолиятининг молиялаштирилиши	Асосий вазифа ва функциялари
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси	Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди, Президент ва Олий Мажлис Сенатига ҳисобдор	Юридик мақомга эга бўлади, республика бюджетидан молиялаштирилади	1) соҳалар ва ҳудудлар бўйича давлат ташқи аудитини амалга оширади; 2) Давлат молиявий назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва услубий таъминлайди, аудит стандартларини ишлаб чиқади; 3) Давлат молиявий назорати Инспекцияси фаолиятининг сифатини назорат қилади ҳамда фаолиятига баҳо беради.
Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш (10 та) ва услубий таъминлаш шўъбаси (10 та)			

⁹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

¹⁰ Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

¹¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Давлат молиявий назорати Инспекцияси	Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирига бўйсунди ва ҳисобдор	Юридик мақомга эга бўлади, республика бюджетидан молиялаштирилади	1) бюджет ташкилотлари кесимида ташқи молиявий назоратни амалга оширади; 2) Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликдаги ташқи назоратда иштирок этади.
Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари			
Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жалб қилинган экспертлар			
Вазирлик ва идораларнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматлари	Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарига бўйсунди ва ҳисобдор	Юридик мақомга эга эмас, вазирлик ва идораларга республика бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан сақланади	1) вазирликлар тизимидаги ташкилотларда ички назорат ва профилактика тадбирларини амалга оширади; 2) Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликдаги ташқи назоратда иштирок этади.
Ички аудит хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш департаменти	Молия вазирлиги таркибида тузилади (15 та штат бирлиги)	Юридик мақомга эга эмас, Молия вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан сақланади	1) ички аудит хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиради; 2) ички аудит хизматларини услубий таъминлайди; 3) давлат ички аудити стандартларини ишлаб чиқади.
Аудиторларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази	Молия вазирлиги ҳузурида, ўқув дастурларини Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги билан келишади	Юридик мақомга эга бўлади, республика бюджетидан молиялаштирилади	1) давлат молиявий назорат органлари ходимларини қайта тайёрлайди ва малакасини оширади; 2) ўқув дастурларини ва методик қўлланмаларни тайёрлайди.

Хулоса. юқорида баён этилган давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифларнинг амалга оширилишидан куйидаги ижобий натижаларга эришиш кўзда тутилади:

- “Давлат молиявий назорати ва аудити тўғрисида” Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали давлат назорат органлари ва ички аудит хизматларининг вазифалари аниқ белгиланади;

- давлат молиявий назорати тизимида ягона сиёсатни юритиш, тизимдаги республика ва ҳудудий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш учун масъул орган сифатида Ҳисоб палатаси белгиланади;

- барча молиявий назорат органларининг ягона маълумотлар базаси яратилиб, камерал назорат, риск-тахлил асосида самарали назорат тизими йўлга қўйилади;
- аниқланган қонунбузарлик ва муаммоларни ягона электрон базада жамлаш, коллегиял муҳокама этиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилади;
- давлат молиявий назорати органлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми яратилади;
- халқаро талабларга жавоб берадиган давлат молиявий назоратининг яхлит тизими яратилади;
- ички аудиторлар фаолияти аниқ белгилаб берилиб, вазирликлар тизимида жорий назорат кучайиши натижасида қонунбузарликлар содир этилишидан аввал аниқланади ва ноқонуний ўзлаштиришларнинг олди олинади;
- назорат органлари ва ички аудит хизмати ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими яратилиб, кадрлар савияси ва маҳорати оширилади;
- текширишларнинг такрорланишини олди олинади, коррупция ҳолатлари камаяди, бюджет ташкилотларининг бюджет интизомига қатъий риоя этилиши таъминланади;
- тизимда иш ҳақи миқдорларини ошириш ҳисобига ходимлар қўнимсизлиги камаяди, малакали аудиторлар институти юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
2. Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
3. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>
4. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>
5. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>
6. Fayziev, F. (2023). THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN TAX POLICY. Modern Science and Research, 2(5), 1315–1319. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/20713>

7. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev. Moliyaviy hisob. Darslik. –T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022, 510 b.
8. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823
9. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4460>
10. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>
11. Чориев, И. (2020). Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита. Экономика И Образование, 1(3), 107–111. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405
12. Абдуллаева Севара Солижановна. КАЧЕСТВЕННЫЕ ВЕТЕРИНАРНЫЕ УСЛУГИ – ЗАЛОГ УЛУЧШЕНИЯ ПОРОДЫ СКОТА // Life Sciences and Agriculture. 2023. №1 (13). <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvennye-veterinarnye-uslugi-zalog-uluchsheniya-porody-skota>
13. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
14. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
15. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.
16. Fayziev Farrukh Abdullahojaevich. (2022). PROSPECTS OF THE APPLICATION OF THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN THE ACTIVITY OF UZBEKISTAN BANKS. World Economics and Finance Bulletin, 15, 122-127. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/1516>
17. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.
18. Abdullayev Abror Bozarboyevich. (2022). IMPROVING INCOME TAX ANALYSIS METHODOLOGY IN BUSINESS ENTITIES. International Journal of Economic Perspectives, 16(10), 61–67. Retrieved from <https://ijeponline.com/index.php/journal/article/view/61>
19. Абдуллаева Севара Солижановна. (2023). “MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН

ҲАМКОРИ . World Scientific Research Journal, 16 (1), 178–186. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2716>

20. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>

21. Djamalov, K. N., & Abdullaev, A. B. (2021). Creation of a triad of effective measures in the company's tax risk management system. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 11(11), 74-79.

22. Doni Tri Putra Yanto, Ravil Akhmadeev, Hassan Salman Hamad, Ahmed Hussien Radie Alawadi, Abror Bozarboyevich Abdullayev, Rosario Mireya Romero-Parra, Hadi Fooladi, Development and investigation of a pollutants emission reduction process from a coal-gasification power plant integrated with fuel cell and solar energy, International Journal of Low-Carbon Technologies, Volume 18, 2023, Pages 1120–1133, <https://doi.org/10.1093/ijlct/ctad093>

23. Чориев, И. Х. (2017). ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЛАТЕЖНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 175-177).

24. Абдуллаев, А. Б. (2017). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 181-183).

25. Рахимов, М., & Астанакулов, О. (2020). Бизнес-анализ: к новой карьере и новым возможностям. Экономика и инновационные технологии, (5), 220–229. Извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11795

26. Abdullaev PhD, A., & Ochilov, O. (2021). Accounting and analysis of investments under active investment policy: necessity, purpose and objectives. International Finance and Accounting, 2021(2), 29.